"ТАСДИКЛАЙМАН"

Кўкон шахар МТБ

рахбари __________ И Мирзаева

**Хизмат кўрсатувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

# ТАНЛОВ ХУЖАТЛАРИ

Танлов хужатларининг мазмуни


I.Танлов иштирокчилари учун йурикнома

II.Техник кисм

III.Нархлар кисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети Қўқон шаҳар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги ДМТТ лар хаво йўлларини бирламчи кўрикдан ўтказиш хужжатларини тайёрлаш

1.2.Хизмат буйича Техник топширик танлов хужатларининг техник қисмда илова килинган

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб бажарувчи ташкилот билан шартома тузилади .

1.3 Ишларни бажариш муддати шартонома имзоланган кундан бошлаб 31.12.2022-йилгача.

1.4. Ишларни бошлаш муддати ойма ойига хисобланади .

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЛАРИ

2.1. Қўқон шаҳар Мактабгача таълим бўлими (бундан кейин –«Буюртма» деб аталади)-танлов ташкилоти хисобланади .

2.2 «Буюртмачи »манзили Қўқон шаҳар Туркистон 85 а

2.3. Танлов «Буюртмачи » томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда ,белгиланган муддатларда ўтказилади .

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишда ихтисослашган ,камида 10 йил тажрибага хамда юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин .

3.2. Танловда иштирок етиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади .

1. Хизмат кўрсатувчининг тўлик юридик манзили, банки вареквизити,телефон рақами,

гувохнома ,тижорат таклиф

2. Солик ва бошка мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солик идорасини маьлумотномаси

3. Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хақида маьлумотлар.

4. Доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маьлумот

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият

Қонунчиликда бино анлицензиялаштириш зарур бўлса танловда иштирок этиш учун

Белгилан  гантартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорга рухсат берилади .

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараенларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этишлиш (ажратилиш кушилиш) тугатиш ёки банкротлик  арафасида

турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар , хамда муассислик келишув , молиявий иштирок

холдинг ва бошка шаклда ташкилий-хукукий еки бир бирига молиявий

карамлиги мавжудлар хамда нархи 10 фоиздан ошик суний туширилган таклифлар

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар  ўтказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли  иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3.Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм, "Буюртмачи"томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш  муддатлари, туловлар тартиби ва якуний тулвлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, маълумотлар техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

4.5.Танлов иштирокчиси:

-такдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хакқонийлигига тўлик бўлади:

-таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор қабул килиш буйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

**6. БОШКА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор қабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларнинг қоидаларига доир тушутиришлар уларнинг мазмун мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4.Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.